# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

***Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)*** *– миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,0 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши 56,1 фоиз), саноат – 107,1 фоиз (11,3 фоиз), қурилиш – 103,5 фоиз (7,2 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 94,2 фоиз (5,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 109,0 фоиз (3,8 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 100,7 фоиз (16,0 фоиз)ни ташкил қилди.

**2020 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМнинг ишлаб чиқаришда тармоқларнинг улуши, *фоизда***



ЯҲМ дефлятор индекси 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидаги нархларга нисбатан 111,1 фоизни ташкил этди.

*(фоизда)*




Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 12 494,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоизга камайди.

**2020 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби**

| | *Млрд. сўм* | *2019 йил январь-декабрига нисбатан фоизда* | *ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, % да* |
|---|---|---|---|
| **ЯҲМ - жами** | **17 445,9** | **101,6** | **1,6** |
| *шу жумладан:* | | | |
| **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **17 088,5** | **101,6** | **1,6** |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 9 583,8 | 101,0 | 0,5 |
| саноат | 1 933,5 | 107,1 | 0,7 |
| Қурилиш | 1 229,5 | 103,5 | 0,3 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 963,2 | 94,2 | -0,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 645,3 | 109,0 | 0,3 |

| | Млрд. сўм | 2019 йил январь-декабрига нисбатан фоизда | ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, % да |
|---|---|---|---|
| бошқа хизмат тармоқлари | 2 733,2 | 100,7 | 0,1 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | **357,4** | **101,5** | **0,0** |

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯҲМ умумий ҳажмининг 98,0 фоизини ташкил этди ва 1,6 фоизга ўсди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 1,6 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 2,0 фоизни ташкил этди ва 1,5 фоиз даражасида ўсиш қайд этилди.

**2020 йил январь-декабрь ойлари учун ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, % да**

2020 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, саноат соҳасида 0,7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 0,5 фоиз, қурилиш ҳамда ташаш ва сақлаш, ахборот ва алоқа тармоғининг ўсиш суръатлари 0,3 фоизи, бошқа хизматлар тармоқлари эса 0,1 фоизи даражасида ижобий ўсиш суръати кузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати ҳисобидан ЯҲМнинг 1,6 ф.п. ўсиши таъминланди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**
***январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)***




2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 25,4 фоизни ташкил қилди, бу эса 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 0,9 фоиз пунктга камайган (26,3 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,5 фоиз пунктга камайди, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматларида 0,1 фоиз пунктга кўпайди ҳамда хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 0,5 фоиз пунктга камайган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**
***(жамига нисбатан фоизда)***

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2020 йил январь-декабрь ойларида – 5,6 фоизни (2019 йил январь – декабрь ойларида – 6,1 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 3,8 фоизни (3,7 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 16,0 фоизни (16,5 фоиз) ташкил этди.